

# SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ 2 (3) 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРЬ МУАММОЛАРИ

---

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

---

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**№ 2 (3)-2023**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

**Юлдашев Анвар Эргашевич** – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Мавланов Уктам Махмасабирович** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Хазраткулов Аброр** – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### **ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

**Ҳақимов Назар Ҳақимович** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

**Яхшиликков Жўрабой** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

**Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

**Ҳошимхонов Мўмин** – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

**Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна** – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### **ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Ахмедов Ойбек Сапорбаевич** – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

**Кўчимов Шухрат Норқизилович** – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

**Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна** – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

**Кучкаров Раҳман Урманович** – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

**Юнусов Мансур Абдуллаевич** – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Саидов Улугбек Арипович** – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### **ЮРИДИК ФАНЛАР:**

**Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Эсанова Замира Нормуратовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

**Зулфиқоров Шерзод Хуррамович** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

**Хайитов Хушвақт Сапарбаевич** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Асадов Шавкат Ғайбуллаевич** – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Сайдуллаев Шахзод Алиханович** – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети.

### **ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

**Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна** – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Ибрагимова Гулнора Хавазматовна** – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

**Закирова Феруза Махмудовна** – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот

технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

**Тайланова Шоҳида Зайниевна** – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### **ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Каримова Васида Маманосировна** – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

**Ҳайитов Ойбек Эшбоевич** – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

**Умарова Навбахор Шокировна** – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

**Атабаева Наргис Батировна** – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

**Қодиров Обид Сафарович** – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### **СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Латипова Нодира Мухтаржановна** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

**Сеитов Азамат Пўлатович** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

**Содиқова Шоҳида Мархабоевна** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### **СИЁСИЙ ФАНЛАР**

**Назаров Насриддин Атақулович** – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

**Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич** – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

#### **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

#### **Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

#### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**“Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

#### **Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй.

#### **Электрон манзил:**

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

*Полвонов Козимбек Наимович*

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАҲАРЛАРИ КЛАССИФИКАЦИЯСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР (1970-2022 йиллар) ..... 7-13

*Махмудова Азизахон Носировна*

ПАЛЕОЛИТШУНОСЛИК СОҲАСИ РИВОЖЛАНИШИДА Р. Х. СУЛЕЙМАНОВ  
ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ ЎРНИ ..... 14-21

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

*Kurpayanidi Konstantin Ivanovich*

MODERN DIGITALIZATION: PRIORITIES AND PROSPECTS IN THE CONTEXT OF ECONOMIC  
TRANSFORMATION ..... 22-28

*Паязов Мурод Максудович*

ДАВЛАТ ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИ АСОСИДА ТЕМИР ЙЎЛ ХИЗМАТЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШДА: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР ..... 29-37

*Шохўжаева Зебо Сафоевна*

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУВТЕЖАМКОР СУФОРИШ УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ  
САМАРАДОРЛИГИ ..... 38-45

*Asamxodjayeva Shoira Shukurullayevna*

INSON KAPITALI RIVOJIGA TA'SIR QILUVCHI OMILLAR ..... 46-50

*Элбоев Бобур Ботирович*

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА САВДОНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА БАНК КАФОЛАТИ ВА  
ЗАХИРА АККРЕДИТИВНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ..... 51-60

*Ermatov Akmaljon Akbaraliyevich*

O'ZBEKISTONDA MOLIVAVIY BOSHQARUV TIZIMINI RIVOJLANTIRISH ..... 61-68

*Абдуқулова Дилноза Абдукадировна*

АГРАР СОҲА ЎСИШИНИ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРГА ТАЪСИРИНИ  
СТАТИСТИК ЎРГАНИШ ..... 69-74

*Qudbiyev Nodir Tohirovich, Tojimatov Abdumutalibjon Abduqayumovich*

KORXONALARNING TIJORAT BANKLARI BILAN O'ZARO MUNOSABATLARI TIZIMINI  
TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI ..... 75-84

*Rasulova Shaxnoza Xatamovna*

XARAJATLAR HISOBINI TASHKIL ETISH VA TASNIFLASHNING IQTISODIY ANAMIYATI ..85-93

*Болтаев Нурали Шираматович*

АГРАР ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН КАДРЛАРНИ МЕҲНАТ  
БОЗОРИДА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ ..... 94-103

**09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ***Tulaganov Muminjon Taxtamuratovich*JAMIYATDA FUQAROLARNING HUQUQIY -SIYOSIY ONGINING YUKSALTIRISHDA  
ETNOMADANIY OMILLARNING O'RNI .....104-109*Aripov Alisher Abdumalikovich*YOSHLAR MA'NAVIY XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHDA MILLIY VA DINIY BAG'RIKENGLIKNING  
O'RNI .....110-117*Xabib Sattorov*

TASAVVUF TA'LIMOTIDA SHARIAT, TARIQAT, MA'RIFAT, HAQIQAT BOSQICHLARI .....118-123

*Турсинбой Султонов*

ИСТЕЪДОДНИНГ ИККИ МУҲИМ ТОМОНИ .....124-132

*Сафаров Улуғбек Турсунович*

МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИНING ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ .....133-138

**10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ***Бектурсынова Айсултан Марат кызы*М.М. БАХТИН КАК ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ ЯЗЫКОВАЯ ЛИЧНОСТЬ УЧЕНОГО-ФИЛОЛОГА  
ФИЛОСОФСКОГО ТИПА .....139-145*Назарова Сайёра Азимжановна*ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ТЕРМИНЛАРИНИ ТАРИХИЙ  
БОСҚИЧЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ .....146-151*Isroilova Manzura Jamolovna*BOSMA NASHRLARDA FRAZEOLOGIK BIRLIKLARNING LEKSIK-SEMANTIK  
TRANSFORMATSIYASI .....152-156**12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР***Утемурастов Махмут Ажимурастович*ҲУҚУҚ ИЖОДҚОРЛИГИ ТАКОМИЛЛАШУВИГА ҲУҚУҚИЙ НИГИЛИЗМ ВА ҲУҚУҚИЙ  
ИДЕАЛИЗМНИНГ ТАЪСИРИ .....157-162*Узакова Гўзал Шариповна*БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШДА ҚАШШОҚЛИК ВА ОЧЛИКНИ  
ТУГАТИШ, СОҒЛИК ВА ФАРОВОНЛИККА ИНТИЛИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ҲУҚУҚИЙ  
АСОСЛАРИ .....163-175*Abdixakimov Islombek Bahodir o'g'li*

SUG'URTA FRANSIZASI VA UNING TURLARI HAQIDA .....176-180

**13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ***Мамадалиева Нилуфар Баҳодировна*ЎҚУВ ФАНЛАРИ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАРНИ ЎҚИТИШ ОРҚАЛИ БОШЛАНҒИЧ  
СИНФ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ОҒЗАКИ НУТҚ ВА ФИКРЛАШ ФАОЛИЯТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....181-185



Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари. -2023. -№ 2 (3).  
ISSN: 2181-1342 (Online)  
<https://scienceproblems.uz>

10.00.00 – Филология фанлари

**Назарова Сайёра Азимжановна**  
Тошкент молия институти  
Хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси  
e-mail: [sayyoranazarxon83@gmail.com](mailto:sayyoranazarxon83@gmail.com)

### **ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ТЕРМИНЛАРИНИ ТАРИХИЙ БОСҚИЧЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Аннотация:** Ушбу мақолада ўзбек тилидаги ирригация термин-ларининг шаклланиши, ривожланиши, тараққий этиши ва таркиб топишига оид маълумотлар келтирилган. Ҳамда уларнинг археологик, этнографик, палеоантропологик, шунингдек, лингвистик маълумотларни ўз ичига олади.

**Калит сўзлар:** ирригация ва мелиорация терминологиялари, ариқ, булоқ, кориз, ҳорис, сақо, қантара.

**Назарова Сайёра Азимжановна**  
Преподаватель кафедры иностранных языков  
Ташкентского финансового института

### **ИСТОРИЧЕСКИЕ ЭТАПЫ И ОСОБЕННОСТИ ТЕРМИНОВ ИРРИГАЦИИ И МЕЛОРАЦИИ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ**

**Аннотация:** Данная статья содержит сведения о формировании, развитии и составе терминов орошения в узбекском языке. А также включает их археологические, этнографические, палеоантропологические, а также лингвистические данные.

**Ключевые слова:** ирригационная и мелиоративная терминология, сточные воды, родник, кориандр, хорис, саку, гантара.

**Nazarova Sayyora Azimzhanovna**  
Teacher of the Department of Foreign  
Languages of the Tashkent Financial Institute

### **HISTORICAL STAGES AND FEATURES OF THE TERMS OF IRRIGATION AND MELORATION IN THE UZBEK LANGUAGE**

**Abstract:** This article contains information on the formation, development, development and composition of the terms of irrigation in the Uzbek language. And also includes their archaeological, ethnographic, paleoanthropological, as well as linguistic data.

**Key words:** irrigation and melioration terminologies, effluent, spring, coriander, horis, saqu, gantara.



<https://doi.org/10.47390/1342V3I2Y2023N19>

Сўнги йилларда бугунги тезкор ривожланаётган замонда ҳар бир соҳада бўлгани каби илм-фанда ҳам ривожланишлар, катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бунинг оқибатида деярли барча тармоқларда, жумладан ирригация ва мелиорация соҳаларида ҳам янги сўзлар, тушунчалар, терминлар пайдо бўлди. Бунда, ёзма ва оғзаки нутқда миллийлаштириш жараёни бошланиб, ном, атама ва терминларни соф ўзбек тилида аташ эҳтиёжи вужудга келди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 20-апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909 сон қарори [1], Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11-августдаги “Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 610-сон қарори [2] ҳамда 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисида”ги ПФ 4947-сон фармони ҳам ёш авлодни чет тилларига ўқитиш, қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда унинг таркибий соҳаларида хорижий тилларда эркин сўзлаша оладиган, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва ўзаро мулоқотни ривожлантиришлари учун шароит ва имкониятлар яратди.[3]

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сонли “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эса Респуб-ликада илмий изланишлар олиб бораётган ёш олимлар, докторантлар ва мустақил изланувчиларга жуда катта туртки бўлиб хизмат қилди. [4]

Ҳар бир Олий таълим муассасининг илмий салоҳияти айнан қилина-ётган илмий изланишлар билан белгиланиши бу каби қарорларнинг нечоғлик муҳим эканлигидан далолат беради. Бизнинг олиб бораётган илмий изларимиз ҳам ирригация ва мелиорация терминларининг қиёсий-типологик тадқиқи натижалари ўлароқ ўрганилаётган терминларнинг диахрон тадқиқ қилиш ишларига бағишланади. Ҳар бир терминологик тизимнинг шакл-ланиши, ривожланиши айни шу соҳанинг таркиб топиб, тараққий эта бориши билан узвий боғлиқ бўлиб, соҳавий жиҳатдан ўзига хослик касб этади. Шу маънода, ўзбек тили ирригация ва мелиорация терминологиясининг таркиб топиши, шаклланиб-ривожланиши ўз тараққиёт йўли, генетик асосларига эга. [12]

Ирригация ва мелиорация терминологик тизимининг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиши бевосита илк ва ўрта асрлар тарихи билан узвий боғлиқдир. С.П.Толстов тўғри таъкидлаганидек: “Қадимги даврларда Ўрта Осиё шароитида жамиятда ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг такомиллашиши, илк ерга эгалик, мулкчилик шакллари, илк деҳқон-чиликнинг ва ишлаб чиқариш тузилмаларининг таркиб топиши ҳамда уларнинг таркибий тузилмаларига оид маълумотларни умумлашган ҳолда тадқиқ этишда, шубҳасиз, археологик, этнографик, палеоантропологик, шунингдек, лингвистик маълумотларнинг ўрни беқиёсдир”. [11]

Ирригация ва мелиорация билан боғлиқ бўлган муносабатлар дастлабки ёзма манбаларнинг пайдо бўлишидан бошлаб то ҳозирги кунгача иқтисодий- ижтимоий

категория сифатида кўплаб чет эллик ҳамда маҳаллий олимларнинг диққатини ўзига жалб қилган ва ҳозирги кунгача қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда.

*Носириддин Бурҳонуддин Рабғузийнинг “Қиссаси Рабғузий” (“Ёзувчи” нашриёти, 1990 йил, биринчи китоб) китобида қуйидаги бир қанча сув хўжалиги терминларининг ишлатилганини учратиш мумкин: Ёғин-ёмғир; бодия- чўл, дашт, биёбон, саҳро; бустуман; бўрлоқ-токзор, узумзор; ёбон-чўл, биёбон; йул-жилға, ариқ, булоқ; йиғоч-тахминан 9 км келадиган масофа бирлиги; мисқол-оғирлик ўлчови(тахминан 4,68 гр); наводан-тарнов, нов; сабон-қўш билан ер ҳайдаш, олоч; тариғчилик-деҳқончилик; тикмоқ-экмоқ, қадамоқ; ҳарож(ҳирож)-ер солиғи, бирор кимсанинг тассаруфидаги йирик ер; шар-мил га тенг келувчи узунлик ўлчови; қарим-ўра, чуқурлик; қубош-экинзорларда ўрнатиладиган кўриқчи; қўл-дарёнинг қуриган ўзани; [9]*

Юқоридаги келтирилган терминларга ўхшашларини бир нечасини ф.ф.д., доцент О.С.Аҳмедовнинг “Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари” мавзусидаги филология фанлари бўйича докторлик диссертациясида ҳам учратишимиз мумкин. Масалан: ҳарож (ҳирож) - ер солиғи, бундан кўриниб турибдики, ирригация соҳаси солиқ соҳаси каби давлат бошқарувининг энг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Бу терминларнинг аксарияти ҳозирги кунда архаик ҳисобланади. [6]

Шу каби кўплаб эскирган ирригация ва мелиорация терминларини яна Юсуф Ҳос Ҳожибнинг “Қутадағу Билиг”(“Саодатга элтувчи билим) асарида ҳам учратиш мумкин: *Булоқ-булоқ, чашма; дол-оқим, йўл, йўналиш; ер қулочла-ер ўлчамоқ; ёзи-дала, яйлов, чўл, водий; кечиг-кечик, ўтиш жойи, дарё, сой, қўлларнинг ўтиш жойи; улуш-қишлоқ; кенд-шаҳар; чечаклиг-гулзор, майсазор, ўт-ўлан кўп бўлган жой; ўбри- чуқурлик, дара; қўл-қош-тоғ этаги ва кўриниб турган жойнинг чети, атроф; [13]*

Бундан ташқари Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”сида суйи-суви, дарё; *йиғоч-ўлчов бирлиги; [7]* ёки Темурнома, Амир Темур Кўрагон жангномаси китобида *ёбон-чўл, дашт, дала; йиғоч-дарахт, ёғоч, узунлик ўлчови; газ-узунлик ўлчови, рубъи маскун-ернинг қуруқлик қисми; сақо-сув берувчи, сув сепувчи, мешкоб; шикоф-ёриқ, дарё, тешик; қантара- кўприк; қовға-қудуқдан сув олишда ишлатиладиган чарм идиш; ғабро- замин, ер, туфроқ; ғоб-ўрмонлик; ўр-баландлик, қия жой; ўланг-ўт, ўлан, гиёҳ; ҳаннот-ғаллафуруш, деҳқон; ҳубобот-донлар, ғаллалар; ҳиросат-зироат, деҳқончилик, ҳорис-экинчи, посбон* каби кўплаб терминларни кўриш мумкин ва тарихимизнинг ҳар бир даврида деҳқончилик инсониятнинг ажралмас ҳаётий эҳтиёжи бўлиб келинганлиги маълум бўлади. Ерга ишлов бериш, суғориш каби амаллар эрамиздан олдинги асрлардан бошлаб одамлар ҳаётининг асосини ташкил қилган экан бу ирригация терминларнинг тарихи ўша даврларга бориб тақалишидан дарак беради. [10]

Амир Темурнинг “Темур тузуқлари” асарида ҳам баъзи парчалардан ирригация терминларини мисол тариқасида келтирамиз: *“Раиятдан мол-хирож олиш, мамлакатни тартибга келтириш ва юксалтириш, унинг ободонлиги, ҳавфсизлигини амалга оширувчи кишилар тузуғи”: ...Яна амр килдимки, хирожни экиндан олинган хосилга ва ернинг унумдорлигига қараб йиғсинлар. Чунончи, доим узлуксиз равишда кориз, булоқ ва дарё суви билан суғориладиган экин ерларни ҳисобга олсинлар ва ундай ерлардан олинган хосилдан икки ҳиссасини раиятга, бир ҳиссасини саркорлик (салтанат хазинаси) учун олсинлар. Агар раият рўйхатга олинган ерларидан бериладиган солиқни нақд ақча билан*

тўлашга рози булса, нақд ақча миқдорини саркорнинг ҳиссаси ҳисобланган ғалланинг мазкур даврдаги нархига мувофиқ белгиласинлар. Нарх-навога мувофиқ олинган нақд ақчани сипоҳга етказсинлар. Бордию раият ҳосилни уч тўдага бўлишга рози бўлмаса, у чоғда ҳисобга олинган экин ерларни биринчи, иккинчи ва учинчи жариб экин ер қилиб ажратсинлар: Кориз-ер ости сувларини тортиб чиқариш учун қурилган иншоот; Жариб-958 кв метр ҳажмдаги ер; Ҳарвор-бир эшак қўтарарлик юк. 300 кг га яқин оғирлик ўлчови.

Тиюл қилиб берилган ҳар бир мамлакатга иккитадан вазир тайинлансинлар. Бири вилоятдан йиғилган молларни ёзиб, раият аҳволини текшириб турсинки, жогирдор фуқарога жабр-зулм етказиб, уларнинг ҳолини ҳароб этмасин. У вилоятдан йиғилган бутун мол-ашёларни кирим дафтарига ёзиш лозим. Иккинчи вазир эса даромаднинг ҳарж этилган қисмини чиқим дафтарига ёзсин ва йиғилган моллардан сипоҳийларнинг маошига тақсим қилсин. Қайси амрга тиюл берилар экан, уни уч йилгача ўз ҳолига қўйсинлар. Уч йил ўтгандан сўнг уни текшириб кўрсинлар. Агар мамлакат обод раият рози экан, шу ҳолича қолдирсинлар. Агар аҳвол бунга хилоф равишда бўлса, ул вилоятни ҳолисага ўтказиб, уч йилгача ўша жоргирдорга улуфа берилмасин. Ҳолиса-давлат ихтиёридаги барча солиқлардан озод этилган ер-сув, Тиюл-ҳирож ва солиқ йиғиб олиш ҳаққи билан инъом этилган ер-мулк, вилоят, жогирдор-инъом этилган ер-сув (тиюл) эгаси. [5]

Асарда ўша даврда ирригация соҳасида кенг қўлланилган, аммо бугунги кунга келиб архаик саналган Кориз полисемантик терминини ҳам учрайди. Кориз- ер остидан ўтказилган сув йули, ариқ; Бир неча қудуқларни бирлаштирувчи ер ости канали, бир-бири билаг бирлаштирилган қудуқлар тизими. –*Ўза қуриб қоляпти. Сув керак, сув! Коризлар бўлса қўмилиб кетяпти–деди раис.* (С.Анорбоев., "Меҳр" қиссаси).

*X-XI асрларда деҳқонлар Ёйилма ва Сарикўл сойларининг бўйларидан кориз усулида ер ости сувини ҳам ишга солганлар.* (С.Анорбоев., "Қатрада қуёш акси" қиссаси) [8]

Сақо–сув берувчи, сув сепувчи, мешкоб маъноларида келувчи ушбу сўз ҳам аллақачон тарихий атама ҳисобланади, аммо айнан шу сўзга синоним сифатида ишлатилган, 70-90 йилларда кўплаб асарларда, бадиий адабиёт-ларда мироб сўзини учратишимиз мумкин. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида эса қуйидаги маълумотлар келтирилган: мироб – суғориш ва сув таъминоти бўйича нозир. 1) Сув тақсимоти ва суғориш тармоқларини назорат қилувчи шахс. Отанг мироб бўлгунча, даланг қулоқнинг бошида бўлсин, деганлар. (С.Нуров., "Майсаларни аёз урмайди" қиссаси) 2) с.т. Суғориш ишларини бажарувчи шахс, сувчи. Ана, миришкор мироб, суғорар ғўзасин... (Ю.Ҳамдам), эгатлар оралаб миробми, кимдир якка оёқ йўлдан қайтади ёлғиз. (Ғайратий) [8]

Туркий халқларнинг ҳаёти, турмуш тарзини халқ оғзаки ижоди ёдгорликлари, ёзма манбалар орқали биламиз. Халқ оғзаки ижоди бизга қадимги афсона ва ривоятлар орқали қадимги деҳқончиликка оид ёмғир чақирадиган оғиздан-оғизга ўтиб келган тарихий қўшиқлар орқали етиб келган. Жумладан, ёмғир чақирини маросими, шамол тўхтатиш ва ер хайдаш кабилардир.

Ўзбекларнинг қадимдан асосий хўжалик машғулоти деҳқончилик бўлган бўлиб, минтақада деҳқончилик суғорма ва табиий, яъни ёмғир сувлари билан суғориладиган лалми (қайроқт) деҳқончилик қилинган. Лалми деҳқончилик қилинадиган ерларда баҳорда ёмғир ёғмасдан қурғоқчилик бошланса ёмғир чақирини билан боғлиқ маросим

ўтказилган. Бу маросим "Суст хотин", "Сут хотин", "Сув хотин", "Чала хотин" каби номлар билан номланган. [14]

Суст хотин, султон хотин,  
Кўланкаси майдон хотин  
Суст хотинга не керак,  
Шаррос-шаррос ёмғир керак.  
Ёмғир ёғдир кўл бўлсин  
Еру жағон хўл бўлсин  
Майсалар қулоқ ёйсин

Қурғоқчилик йуқ бўлсин Яна бир намуна сифатида **қўш қўшиғи, яъни ер ҳайдаш** кўрсатишимиз мақсадга мувофиқдир:

Ўроқ ўрмоқ олмоқ солмоқ,  
Кўш ҳайдамоқ, бормоқ-келмоқ.  
Ҳаммасидан қийин экан,  
Эй хўкизим, рўзғор қурмоқ [66; Б.150].

Мана шу каби қўшиқларда ҳам ҳозирги ирригация ва мелиорация соҳасига оид терминлар учрайди. Масалан, **сув, тупроқ, сел, дарё, муз, ёмғир, қирғоқ, кўл, қурғоқчилик** каби терминлар.

Ўзбек халқ оғзаки ижодида, хусусан, афсона, қўшиқ ва дostonларда ирригация ва мелиорация соҳасига оид жуда кўп лексик бирликлар ишлатилган. Халқ дostonларида ер ҳайдаш, деҳқончиликка оид маросимлар, қўшиқлар ирригация ва мелиорация терминларининг қадимий тарихга эга эканлигини англатади.

Демак, инсон қадимдан атроф муҳитда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдириб, ирригация ва мелиорация соҳасига оид терминларнинг пайдо бўлишини изоҳловчи тўқима ҳикоялар, ривоятлар, қўшиқлар ўйлаб топганлар. Буларнинг ҳаммасини бугунги кунда “халқ оғзаки ижоди” деб атаيمиз. Халқ оғзаки ижоди, жумладан, қўшиқларда, афсона ва ривоятларда айнан деҳқончилик лексик бирликларни ҳозирги замонгача етиб келган ирригация ва мелиорация соҳаси терминлари орасида учратишимиз мумкин.

Юқоридаги келтирилган соҳага оид маънабалардан шуни хулоса қилиш мумкинки: сув хўжалиги, ирригация ва мелиорация терминлари ҳақидаги маълумотлар ҳамда мисоллар ўзбек тили терминологиясининг нақадар узоқ тарихга эга эканлигидан далолат беради. Биз ўз илмий изланишларимизда ирригация ва мелиорация терминларнинг диахрон таҳлилни чуқур ўрганиш ва давом эттириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолади деб ҳисоблаймиз.

### Адабиётлар/Литература/References:

1. Мирзиёв Ш. М. “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ - 2909 сон қарори, 2017 йил 20-апрел
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомил-лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 610-сон қарори, 2017 йил 11-август

3. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сон” фармони
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сонли “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарори
5. Амир Темур “Темур тузуклари” Ғ.Ғулом матбаа-нашриёти бирлашмаси, Тошкент-1991 йил.
6. Ахмедов О.С., “Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари” докторлик диссертация. Тошкент., 2016 йил., 210 бет.
7. Бобур З.М “Бобурнома” Юлдузча нашриёти., Тошкент-1990 йил.
8. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”. Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашриёти, Тошкент-2008 йил.
9. Рабғузий Н.Б “Қиссаси Рабғузий” Ёзувчи нашриёти., Тошкент-1990 йил, 1- китоб.
10. Темурнома “Амир Темур Кўрагон жангномаси”., Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Тошкент-1990 йил.
11. Толстов С.П., “Основные вопросы древнейшей истории Средней Азии”. ВДИ., №1.- Москва.: 1938 г.
12. Ҳожиёв А., “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати”.-Тошкент-2002
13. Юсуф Ҳос Ҳожиб “Қутадғу Билиг”(“Саодатга элтувчи билм”), Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Тошкент-2007 йил.
14. Панжиев Қ., Ўзбек маросим қўшиқлари ва уларнинг тарбиявий аҳамияти. Таълим муассасасида тарбия / Воспитание в учебном заведении. 2016 (6 сон), 46-52 бетлар.

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 2 (3) – 2023

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).